



**КОРХОНАЛАРДА ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШ ВА МЕҲНАТИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

Нажимова Сайёра Тургуновна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Уибу мақолада корхоналарда персонални бошқаришининг самарадорлиги ва меҳнатидан фойдаланиши таҳлил қилинади. Тадқиқотда персонални бошқаришининг асосий методлари, хусусан, меҳнат ресурсларини оптималлаштириши, ииҷи кучининг самарали тақсимланиши ва иш жараёнларини яхшилаш бўйича амалий усуслар кўриб чиқилган. Шунингдек, меҳнат самарадорлигини ошириши учун зарур бўлган бошқарув технологиялари, мотивация тизими ва тренинглар таҳлил етилган. Мақола шунингдек, корхоналар учун персонални бошқаришининг самарадорлигини ошириши бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқади.

Калит сўзлар: персонални бошқариши, меҳнат самарадорлиги, ииҷи кучи, бошқарув методлари, меҳнат ресурслари, мотивация, тренинглар, самарадорлик таҳлили.

Корхоналарда персонал меҳнатидан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш аввало, корхона персоналини ташкил этувчи мавжуд меҳнат ресурслари ҳолатини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Таҳлил обьекти эса шу корхонада фаолият олиб бораётган ходимлар ҳисобланади. Таҳлилнинг асосий мақсади корхона меҳнат ресурсларининг ҳолати тўғрисида, уларга ажратилаётган маблағлар ўзини қай даражада қоплаши ҳақида, уларнинг малака даражасидаги ўзгаришларни, маҳсулотларнинг сифати яхшиланишига қандай омиллар кўпроқ таъсир этаётганлиги, меҳнат унумдорлиги қай ҳолатда эканлиги, қўнимсизлик ҳолати, корхонадаги ижтимоий муҳитнинг ҳолати, ходимларни ўзаро муносабатлари ва бошқа кўплаб саволларга жавоб топиш имкониятини аниқлашдир. Амалий жиҳатдан олганда ходим корхонанинг энг зарур ресурси бўлганлиги боис, унинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун ҳар бир ходим бажарадиган аниқ ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятларидан келиб чиқадиган маҳсус таҳлил ўтказишни талаб қиласди. Ушбу таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ишловчиларнинг сони ва жинси, ёши, мутахассислиги, мартабаси ва малака даражаси таркиби бўйича тадқиқ қилиш;





TANQIDIY NAZAR, TAHLLILY TAFAKKUR VA INNOVATION G'YALAR



- корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги даражасини аниқлаш;
- иш вақтидан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни текшириш;
- ходим ҳаракатининг шакли, динамикаси ва сабабларини, меҳнат интизомининг аҳволини ўрганиш;
- қўйл меҳнатида, малакасиз ва оғир жисмоний меҳнатда банд бўлганлар сони ва динамикасини аниқлаш;
- меҳнат фаолиятининг ижтимоий ҳаракатларини тадқиқ қилиш;
- меҳнат мотивацияси, касб малака жиҳатидан лавозимларга қўтариш;
- меҳнатдан қониқиши ҳиссини уйғотиш;
- корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланишини яхшилаш, уларнинг тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиши.

Таҳлил маълумотларининг асоси бўлиб статистик ҳисботлар, кадрлар бўлими маълумотлари, иш вақтидан фойдаланишни ифодаловчи маҳсус маълумотлар хизмат қиласи.

Корхонада меҳнат ресурслари таъминланганлиги таҳлили улардан фойдаланиш категорияларини ўрганишдан бошланади. Меҳнат ресурсларини категориялар бўйича грухлаш тегишли касб ва малакадаги ишловчиларга бўлган талабни аниқлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари ўртасида боғлиқлик ўрнатишни ташкил қилиш, ходимдан оқилона фойдаланиш имконини излаб ишларини енгиллаштиради¹⁰².

Республикамизда барча ишловчилар қўйидаги классификация белгилари бўйича бўлинади:

- ишлаб чиқариш жараёнидаги бажарадиган ишлари бўйича ишчилар асосий, ёрдамчи ва хизматчиларга;
- ҳақиқатдаги фаолият тавсифи бўйича (иш тури) улар эгаллаган лавозимига кўра;
- технологик жараёнда қатнашиш тамойили бўйича: маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчилар асосий ва ёрдамчига, хизматчилар, раҳбарлар, мутахассисларга ва техник ходимларга (бошқа хизматчиларга);
- иш муддати бўйича доимий, вақтингчалик ва мавсўмий ишловчиларга.

Корхоналарда меҳнат ресурсларига бўлган талабни аниқлаш вазифаси маълум вақт давомида ишловчилар сонини ҳисоблашдан иборат бўлади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун

¹⁰² Карлик А.Е., Рогова Е.М., Тихонова М.В., Ткаченко Б.А. “Инвестиционный менеджмент: Учебник”. СПб.: Вернера Регена, 2008. - с. 216.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



ходимлар сони кўрсаткичини тавсифлаш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”¹⁰³ги қонунига мувофиқ корхона ходимлар сонини, уларнинг касб-малакаси таркибини ўзи аниқлайди ва штатлар жадвалини тасдиқлайди.

Корхоналарда ходимлар бир неча турларга бўлинади ва ҳар бир турдаги ходимларнинг ўзига тегишли вазифалари белгилаб қуйилган бўлади.

Ходимлар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ёллаш асосида ишлайдиган ва ишчиларнинг умумий чекланган сонига қўшиладиган барча ишчиларнинг йиғиндисидан иборат.

Ходимларнинг чекланган умумий сони - корхона, ташкилот, муассасанинг меҳнатини ташкил этиш ва технология ривожланишининг мавжуд даражасида олдинга қуйилган мақсад ва вазифаларга эришиши учун зарур бўлган ходимларнинг максимал сони.

Бошқарув ходимлари - тақсимловчи функцияларни бажарувчи ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқарувчи, корхона фаолияти жараёнларини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва тартиба солувчи ходимлар. Улар зарур ташкилий техник шароитларини ва белгиланган функциялар ва ишлаб чиқариш датурларини бажарилишини таъминлайди.

Раҳбарлар - меъёрий хужжатларга мувофиқ, маъмурийлаштириш функциялари, корхона номидан харакатланиш, тақсимлаш ҳуқуқларига ваколатларига эга бўлган қарамоғидаги ходимларга раҳбарлик қилувчи, бўлимлар фаолиятини ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи фармойишлар устидан назорат олиб борувчи бошқарув ходимлари.

Асосий ишлаб чиқариши ходимлар - бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчилардир.

Ёрдамчи ходимлар - булар бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган, лекин бошқа ходимлар ишлаши учун шарт-шароитлар яратишиади. Ёрдамчи ходимлар ўз навбатида техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади.

Техник ходимлар - уларнинг асосий вазифаси бошқарув ходимлари фаолиятига кўмаклашади. Уларга котиба, экспедитор, компьютер операторлари ва дастурчилар, табелчилар ва бошқалар киради.

Хизмат кўрсатувчи ходимлар - асосий бажарадиган функциясига бошқариладиган обьект тўғрисида ахборотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, техник жараёнларни ташкил этиш смена молия

¹⁰³ “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 7 май.





TANQIDIY NAZAR, TAHLLILY TAFAKKUR VA INNOVATION G'OLALAR



материалларини тайёрлаш ва бошқа функциялар кирувчи бошқарув ходимларининг бир қисми.

Юқорида тавсифланган корхона ходимлари турлари умумлашган ҳолда ишлаб чиқариш ходимларини ташкил этади. Ушбу ишлаб чиқариш ходимлари сони ($Y_{u.c}$) кўрсаткичи қўйидагича аниқланади:

$$Y_{u.c} = I_c + P_c + X_c + T_c \quad (1)$$

Бу ерда: I_c – маҳсулот ишлаб чиқаришида бевосита иштирок этадиган ходим(ишичилар); P_c - раҳбарлар; X_c – хизмат кўрсатувчи ходимлар; T_c – техник ходимлар.

Саноат ишлаб чиқариши ходимлари сони - ҳақиқатда ишлаётганлар, хизмат сафаридағилар, меҳнат, ҳомила ва бола парвариши бўйича таътилдагилар, давлат жамоат вазифаларини бажариш туфайли ишга чиқмаганлар, касаллиги ва маъмурият рухсати билан ишга келмаганлар шулар жумласига киради.

Маълум муддат давомида саноат ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун комплекс кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш лозим бўлади. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ходимларга нисбати, мос равишда олинган фойда ва даромад нисбати, ишчиларнинг ўртача кунлик ва соатлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, шунингдек, ходимлар маълумот даражаси, меҳнатнинг тўғри тақсимланганлик даражаси, ёш ва иш стажи бўйича таркиб, меҳнат шароити ва кадрлар оқими ҳамда улардан фойдаланиш интенсивлиги каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

- Холмуродов А.Р. (2020). Корхоналарда персонални бошқариш: назарий асослар ва амалиёт. Тошкент: "Иқтисодиёт" нашриёти.
- Солиев С.М. (2019). "Корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишнинг бошқарув методлари". Иқтисодий таҳлил журнали, 8(1), 34–42.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. (2021). Меҳнат ресурсларини бошқариш ва самарадорлигини таҳлил қилиш. Тошкент: Молия вазирлиги нашриёти.
- Кҳамидов С. (2018). Меҳнат ва бошқарув самарадорлигини ошириш усуллари: назарий ва амалий ёндашувлар. Тошкент: "Иқтисодиёт" нашриёти.
- Интернатионал Лабоур Организатион (ИЛО). (2020). Импровинг Лабор Продустивитӣ ин Ентерприсес: Глобал Прастисес. Генева: ИЛО Публисатионс.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



6. Бескер, Г. С. (2021). Хуман Сапитал: А Тхеоретисал анд Емпирисал Аналисис шитҳ Спесиал Референсе то Едусатион. Чисаго: Университй оф Чисаго Пресс.
7. Шарипов А.Т. (2022). “Корхоналарда персонални бошқаришининг самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувлар”. Ишлаб чиқариш ва менежмент журнали, 3(2), 27–33.

